

ИНСОН КАПИТАЛИ РИВОЖИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ БОШ ОМИЛИ СИФАТИДА

*Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик
билим юрти Гуманитар фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси
Худаёрова Зебунисо Отаназаровна*

Аннотация: Ушбу мақолада ҳозирги ахборотлашган жамият ва рақамлашган даврида инсон капиталини ривожлантириш, инсоннинг билим генерацияси, креативлиги, интеллектуал қобилияти, инсоннинг жамият ривожланишидаги ўрни алоҳида аҳамияти ёритилган.

Таянч сўзлар: Ахборотлашган жамият, рақамлашган жамият, инсон капитали, билим генерацияси, креативлик, интеллектуал қобилият.

Замонавий илмий адабиётларда инсон капиталининг ягона, барча қабул қилган таърифи йўқ. «Инсон капитали - бу одамнинг даромад олиш қобилиятининг ўлчовидир. Инсон капитали туғма қобилият ва истеъодни, шунингдек, таълим ва олинган малакаларни ўз ичига олади».¹ Ҳозирги вақтда ушбу таърифни тор маънода инсон капиталининг таърифи деб ҳам хисоблаш мумкин. Кенг маънода инсоннинг ўзида акс этган капиталнинг ўзига хос шакли бўлиб, унга билимлари, қобилиятлари, соғлиғи, мотивация заҳираси, кўникмалари кабилар хосдир.

Инсон капиталини шакллантиришда «табиий ва техник фанлар билан бир қаторда ижтимоий-гуманитар фанлар ва биринчи навбатда фалсафа ҳам муҳим рол ўйнайди».² Шу билан бирга барча замонларда ҳам инсон муаммоси фалсафанинг асосий мавзуи бўлиб келган.

Бироқ яқин вақтларда ҳам «инсон ривожланиши концепциясини ишлаб чиқариш жараёнида асосий эътибор табиатни инсон томонидан жадал ўзлаштириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш»³га қаратилган эди. Дарҳақиқат, инсоннинг ҳаётий фаолияти, турмуш шароитлари, рухий ва маънавий қадриятлари назардан четда қолган эди. Эндиликда кўпгина ривожланган давлатларда бу масалага мутлақо янгича тарзда ёндашилмоқда.

Инсон капитали жамиятнинг мавжуд эҳтиёж ва талабларини қондиришга йўналтирилган малака, билим ва кўникмаларнинг умумий уйғунлиги

¹ Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономическая теория. – М.: Юнити, 2002. –С.98.

² Доманов Д.Г. Социальный капитал как условие формирования гражданского общества // <file:///C:/Users/User/Downloads/sotsialnyy-kapital-kak-uslovie-formirovaniya-grazhdanskogo-obschestva.pdf>

³ Халматова М., Сафаева С. Ўзбекистон: инсон омили ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2000. –Б.3.

ҳисобланади. Маълумки, ҳамма давр ва маконларда юзага келган жамият бойликларининг асосий муаллифи инсон ҳисобланган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳар бири инсонга ўз позициясидан ёндашади ҳамда ўзлари учун энг муҳим хусусиятларни кўриб чиқишиди. Шу нуқтаи назардан бутун жамият ўзининг барча қирралари ва тузилмалари билан инсонга боғлиқдир. Хусусан, антропогенез, антропология масалалари фалсафий фанлар доирасида ўрганилади ҳамда унга ҳар томонлама тавсиф берилган. Шу билан бирга, «барча инновацион трансформациялар инсон омилиниңг муҳим роли билан бевосита боғлиқдир, шу сабабли мамлакат миллий бойлигининг асоси бўлган инсон капиталиниңг жиддий ва долзарб мавзусига бўлган қизиқиш катта»⁴. Маълумки, барча замонларда инсон муаммоси фалсафаниңг асосий мавзуси бўлиб келган. Вақт ўтиши, тараққиёт тақозоси билан ижтимоий тараққиётда ўзгаришлар содир бўлмоқда. Яқин вақтларда инсон ривожланиш концепциясини ишлаб чиқариш жараёнида асосий эътибор табиатни инсон томонидан жадал ўзлаштириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган эди. Инсоннинг ҳаётий фаолияти, турмуш шароитлари, руҳий ва маънавий қадриятлари назардан четда қолган эди.

XXI асрда кўпгина ривожланган давлатларда бу масалага мутлақо янгича тарзда ёндашилмоқда. Инсон ҳаётий фаолиятининг такомили туфайли барча соҳалар ривожланди, тараққиёт натижасида инсон ўзини жамият ривожининг маркази деб англай бошлади. Демак, ҳозирги даврдаги ижтимоий тараққиёт асосини инсон ва унинг фаоллиги ташкил этади деган назария тадрижий равища да юзага келди. Унинг мазмуни инсонга хос ва мос фаровон ҳаётни таъминлашдан иборат.

Албатта маданийлашган жамият инсоният цивилизациясига ҳамоҳанг тараққий этиш йўлидан боради. Шу нуқтаи назаридан бизнинг мамлакатимиз ҳам мустақилликнинг дастлабки давридаёқ ижтимоий тараққиётнинг, жамиятнинг марказини инсон, унинг манфаатлари ташкил қилди. Шу ўринда айтиш керакки, ўша даврдан то ҳозирги кунгача олиб борилган ва олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг барчаси инсон манфаати учун, уни фаровон яшashi учун қилингани фикримизнинг далилидир. Шу билан бирга тараққиёт стратегияси доирасидаги ислоҳотлар инсон қадри учун тамойилида олиб борилмоқда.

Шу каби ислоҳотларнинг марказида инсон, Ўзбекистон фуқароси туради ҳамда унда ҳар бир фуқаро ўз қобилиятини, шахс сифатида ўзини кўрсатиш ва ўз истеъдодини тўла намоён этиш имкониятлари яратилмоқда.

⁴ Хмелева Г.А. Человеческий капитал как условие формирования инновационной экономики региона. Монография. – Самара: САГМУ, 2012. –С.5.

Бунинг учун эса, «давлат хизматида коррупция омилларини бартараф этиш, кадрларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат хизматчилари ва давлат органлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш тизими бўйича «Миллий рейтинг» тизимини жорий этиш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш тизимини такомиллаштириш, маҳаллий ҳокимлик органлари, вазирлик ва идораларга раҳбарлик лавозимлари учун муносиб номзодларни тайёрлаш мақсадида Миллий кадрлар захирасини шакллантириш, давлат хизматига кириш, захирани шакллантириш, баҳолаш ва хизматни ўташ билан боғлиқ жараёнларни рақамлаштиришни назарда тутувчи «Рақамли давлат хизмати» лойиҳасини амалга ошириш, давлат органларида иш вақти ва меҳнат меъёрлари бўйича талабларни қайта қўриб чиқиши»⁵ ҳам ўз самарасини намоён қиласи ва инсон капиталидан оқилона фойдалниш учун шаффоф ва очиқ ижтимоий муҳит шаклланади.

Маълумки, янгиланаётган Ўзбекистоннинг миллий ривожланиш стратегиясининг мақсади «инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган ижтимоий сиёсатни олиб бориш ҳамда ахоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш».⁶ Бу эса республикамизда инсон капиталини ривожлантириш доирасидаги дастлабки қадамлар ҳисобланади. Албатта, меҳнат инсонни ўзини, яқинларини боқиши учун замин яратади ва ўз қобилияти ҳамда истеъодини рўёбга чиқариш имконини беради. Ҳар бир инсон, гарчи унинг фаолияти жиноят билан боғлиқ бўлмай, жамият манфаатларига хилоф бўлмаган ҳолда ўзига ёқсан иш билан шуғулланиши мумкин. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш,adolatli меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимоялаш ҳуқуқига эга»,⁷ деб белгиланган.

Давлатимиз ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ахолини иш билан банд қилиш мақсадида янги иш ўринларини яратиш, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, камбағалликни камайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Айниқса, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидан келиб чиқиб «янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш»⁸ механизми амалга оширилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган Инсон ривожланиш концепциясида инсон капиталини ривожланиши даражасини

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. // [www.lex.uz](https://lex.uz)

⁶ Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. -Б.30.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2023. –Б. 25

⁸ Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллик юксалий сари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. -Б.31.

баҳолаш учун инсон ривожланиши индекси қабул қилинган. Унда инсон капиталини ривожланишининг муҳим омиллари – аҳолининг иш билан бандлиги, саломатлиги, оилани режалаштириш, таълим тизими, узок умр кўриш, турмуш даражаси кабилар ўз ифодасини топган.

Айтиш керакки, инсон – инсон капиталини ривожлантиришда, ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишда асосий роль ўйнайди. Моддий бойлик ишлаб чиқариш инсон капиталини ривожлантиришнинг асосий омили, бироқ жамиятнинг барқарор ривожланиши учун бунинг ўзи етарли эмас. Шу сабабли инсон капиталини ривожлантиришда илм-фан тараққиёти, сифатли таълим тизимини яратиш, соғлиқни сақлаш, янги иш ўринларини яратиш, камбағалликни камайтириш, «тўғри овқатланишни тарғиб этиш, иқтисодий эркинлик, ижтимоий хизматлар, миллий хавфсизлик каби соҳаларни ривожлантиришга маблағларни оширишга йўналтириш муҳим аҳамият касб этади».⁹

Инсон капиталини ривожлантириш мураккаб комплекс жараён бўлиб, «ҳам ижтимоий тараққиётни ҳам иқтисодий тараққиётни бир олиб бориш орқали инсонларнинг қобилиятларини ўстириш, фаровон ҳаёт даражасига эришиш имкониятлари яратилади».¹⁰ Шу боис аҳолининг маълумот олиш имкониятини ошириш, соқлиқни сақлаш, хизмат қўрсатиш ва ижтимоий ҳимоялашни талаб даражасига кўтариш соғлом, баркамол янги авлодни тарбиялаш ҳозирги даврнинг муҳим долзарб вазифаларидандир. Ана шундагина етук шахс демократик ва туб иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли таянчи бўла олади.

Маълумки, яшаётган асримизда одамнинг ҳаётий фаолияти учун зарур барча соҳаларни ривожлантиришда эришилган тараққиёт, одамнинг ўзини жамият ривожланишининг марказига қўйиш заруриятини кучайтириди ва бунинг учун имконият яратди. Инсон капиталини ривожлантириш инсоний жамиятнинг асосий мазмуни, яшаш шаклига айланди.

Президент Ш.Мирзиёев фикрига кўра: ««Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш – ўта шарафли вазифадир».¹¹ Шундай экан, ҳозирги даврда жамият учун инсон, унинг турмуш тарзи, иш шароитлари, маълумот олиш

⁹ Қаранг: Бобров Д.В. Социально-экономические характеристики категории «человеческий потенциал» и их использование в практике корпоративной социальной политики. // Вестник евразийской наук, 2013. №2(15), -С.1-8.

¹⁰ Қаранг: Ишмухаметов Н.С. Условия реализации человеческого капитала в хозяйственной системе региона (на примере Республики Баркентостан). Монография. – Уфа: Издательство «Гилем», 2013. – 224 с.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. –Б.20.

имкониятлари, саломатлиги, жисмоний ва маънавий етук, ахлоқий пок ёш авлодни тарбиялаш иқтидори асосий ўрин тутади.

Бугунги кунда янги Ўзбекистон тараққиёти «маърифатли жамиятни шакллантиришга асосланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 28 майда илм-фан ва олий таълим соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросига бағищланган йиғилишида «асосий мақсадимиз - мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш эканлигини»¹² таъкидлайди. Бу орқали эса, 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш асосида «иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш»¹³ кўзда тутилган. Шу боис, эгалланган билимларнинг турли таълимий жараёнлар орқали амалга оширилган синтези, инсоннинг дунёқарашга оид позициясига бир бутунлик бахш этади, инсон капиталини тўлдиради. Шуни таъкидлаш керакки, юқори сифатли инсон капиталини ривожлантириш жамиятнинг самарали ривожланишига ёрдам беради. Шу сабабли республикамизни «2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илфор мамлакати қаторига киришига эришиш»,¹⁴ ҳамда «барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш»¹⁵ вазифалари қўйилди.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида ҳам «ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан аниқ касб-хунарга ўқиш имкониятини яратиш. Касбга ўқитиши кўламини 2 баравар ошириб, жами 1 миллион нафар ишсиз фуқарони касб-хунарларга ўқитиши ва бу жараёнда нодавлат таълим муассасаларининг иштирокини 30 фоизга етказиш, мактабгача таълимдаги қамров даражасини ҳозирги 67 фоиздан камида 80 фоизга етказиш, мактабгача таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, мактабгача таълим тизимида бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлаш, Мактабларни ривожлантириш миллий дастурини

¹² Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономическая теория. – М.: Юнити, 2002. –С.98.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти ПФ-60-сон Фармони. // [www.https://lex.uz](https://lex.uz)

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти ПФ-60-сон Фармони. // [www.https://lex.uz](https://lex.uz)

¹⁵ Акрамова Ш.Ф. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталини ривожлантириш: Диссертация автореф. иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Тошкент, 2019. Б.17.

жорий этиш орқали халқ таълими тизимида қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратиш, 2026 йилга қадар ўқув дастурлари ва дарсликларни илгор хорижий тажриба асосида тўла қайта кўриб чиқиб, амалда жорий этиш, малакали ўқитувчиларнинг ойлик маошларини босқичма-босқич 1 000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш, мактабларда таълим сифатини ошириш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш ва олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш ҳамда «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали эркин ва ижодий фикрлайдиган ёшларни нуфузли хорижий олийгоҳларга ўқишига юбориш кўламини 2 бараварга ошириш, бунда ёшларнинг 50 фоизини техник, аниқ фанлар ва IT соҳаларига ўқитиши¹⁶ каби мақсад ва вазифалар белгиланган. Шу боис ҳам ёшларни китобхонлик, тасвирий санъат, мусиқа ва умуман ижодий фаолиятга ундовчи етарли ишлар амалга оширилмоқда.

Хулоса қилганда, эркин, мустақил ва истиқбол сари интилган жамият, ватан учун фуқаролари учун гўзаллик тимсоли. Уни гўзаллаштириш ва унга хизмат қилиш учун гўзалликни ижтимоий ҳодиса, инсонни улуғлайдиган неъмат деб тушунадиган кишилар керак. Ана шунинг учун гўзаллик билан одамлар тарбияланади, нафосат кўнглида гуллаган инсон ўз халқи, ватани мустақиллиги, эрки ва истиқболи йўлида бажонидил меҳнат қиласи. Бу эса, ҳар бир инсоннинг асл салоҳиятини намоён қилиш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2023. –Б. 25.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. –Б.20.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти ПФ-60-сон Фармони. // [www.https://lex.uz](https://lex.uz)
4. . Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллик юксалиш сари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. -Б.31.
5. Бобров Д.В. Социально-экономические характеристики категории «человеческий потенциал» и их использование в практике корпоративной социальной политики. // Вестник евразийской наук, 2013. №2(15), -С.1-8.
6. Ишмухаметов Н.С. Условия реализации человеческого капитала в хозяйственной системе региона (на примере Республики Баркортостан). Монография. – Уфа: Издательство «Гилем», 2013. – 224 с.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти ПФ-60-сон Фармони // [www.https://lex.uz](https://lex.uz)

7. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономическая теория. – М.: Юнити, 2002. –С.98.
8. Доманов Д.Г. Социальный капитал как условие формирования гражданского общества // <file:///C:/Users/User/Downloads/sotsialnyy-kapital-kak-uslovie-formirovaniya-grazhdanskogo-obschestva.pdf>
9. Халматова М., Сафаева С. Ўзбекистон: инсон омили ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2000. –Б.3.
10. Ақрамова Ш.Ғ. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталини ривожлантириш: Диссертация автореф. иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Тошкент, 2019. Б.17.